
Кичик саноат зоналарини ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда

Фурқат туманида жами 6,5 гектар майдонда 4 та - “Узунчек”, “Томоша” , “Темирйўлчи”, “Истиқлол” кичик саноат зоналари ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июн кунги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-271-сонли қарорига мувофиқ жорий йилнинг ўзида тумандаги 4 та - “Узунчек” , “Томоша”, “Темирйўлчи”, “Истиқлол” кичик саноат зоналарини муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида республика бюджети маблағларидан 7 млрд. 780 млн. сўм ажратилиши белгиланган.

Хусусан “Узунчек” ва “Томоша” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида 1.5 км электр ва 0,6 км оқова сув тармоқларини тортиш, сув иншооти қуриш ишлари учун 3 млрд. 891 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Айти кунларда тармоқ корхоналари томонидан электр ва сув тармоғи тортиш ишлари якуний босқичда.

Бундан ташқари ушбу саноат зоналарига олиб борувчи таъмирталаб йўлларга туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан 1,1 км. масофада созланиб, янгидан шағал тўшалди.

2022-10-28 14:18:24